



## МУАЙЯН ЯШАШ ЖОЙИГА ЭГА БЎЛМАГАН ШАХСЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ МАРКАЗИГА ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Дўстматов Рустамжон Холмирзаевич

ИИБ Академияси Магистратураси “Ташкилий-тактик бошқарув”  
йўналиши магистри

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8001502>

### ARTICLE INFO

Received: 26<sup>th</sup> May 2023

Accepted: 30<sup>th</sup> May 2023

Online: 31<sup>th</sup> May 2023

### KEY WORDS

### ABSTRACT

Бугунги кунда глобаллашув жараёнида ҳаётнинг шиддат билан ривожланиб бориши, инсонни олдида турган муаммоларини ўз вақтида бартараф этишликга ундайди. Лекин айрим турдаги инсонлар борки, ҳаётида қийинчиликлар олдида мағлуб бўлади. Ҳаётда ўз ўрнини йўқотишни бошлайди. Оиласи ва иш жараёнида турли салбий ҳолатлар пайдо бўла бошлайди. Охир оқибат бу каби ҳаёт ташвишларидан чалғиш, сокинлик мақсадида алкоголь маҳсулотлари ва гиёҳвандлик маҳсулотларини истеъмол қилишга ўта бошлайди. Бу каби захри қотилга ўрганиб қолиш натижасида бор будудан секин аста ажрала бошлайди. Оиласида доимо нотичлик бўлади, иш жойидан ажралади. Ҳаётга бўлган умид сўна бошлайди. Инсон ҳаётида тўқликка шўхлик қилиш, мол дунёга берилиш, айрим турдаги ҳуқуқбузарларнинг сўзига кириб, бор йўғидан айрилиб қолиш ҳолатлари кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида жамиятда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар салмоғи ошиб бормоқда<sup>[1]</sup>.

Шу боис юртимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган чоралардан эканлиги белгилаб берилди.

“Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш” жумласининг ўзи ҳам бир нечта сўзлар бирикмасидан ташкил топган бўлиб кенг маънода комплекс тадбирлар ва вазифаларни ўз ичига қамраб олади.

**Реабилитация маркази** — муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни уларнинг шахси аниқлангунгача маъмурий суднинг ажрими

асосида ўттиз суткадан кўп бўлмаган муддатга сақлаб туриш ва реабилитация қилиш учун мўлжалланган ички ишлар органлари тизимидаги давлат муассасаси;

**Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс** — шахсини тасдиқловчи ҳужжати, шунингдек, бирон-бир манзилда доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олинмаган, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган 18 ёшдан ошган шахс;



**Реабилитация қилиш** — муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларга жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи[2] ҳисобланади.

Юқоридаги берилган тарифлардан муаллиф муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар ҳақида тушунчаларни ёритилган ва бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатда кўрсатилиб ўтилган. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 16 декабрдаги ЎРҚ-810-сонли Қонуни қабул қилиниши муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида иш юритиш фаолияти механизми ёритилди. Бунда МЖтКга “Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида иш юритиш” номли XXIII2 боб қўшилиб, 3136-модда. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида илтимоснома бериш, 3137-модда. Илтимосноманинг шакли ва мазмуни, 3138-модда. Илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар, 3139-модда. Илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши[3] кабиларни ўз ичига олади.

Бунда муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг реабилитация марказига жойлаштирилишини талаб қилувчи асослар аниқланган тақдирда, ички ишлар органи бундай шахс ички ишлар органига келтирилган пайтдан эътиборан **48 соат** ичида уни реабилитация марказига **ўттиз суткадан** кўп бўлмаган муддатга жойлаштириш тўғрисида судга илтимоснома юбориш учун материалларни тайёрлаши кераклиги белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ушбу шахсларни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни реабилитация марказига жойлаштириш зарурлигини тасдиқловчи материаллар муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахс аниқланган ердаги ёки реабилитация маркази жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига фақат **ички ишлар органи томонидан берилади**.

Чунончи, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома судга фақат **ёзма шаклда** берилади ва ички ишлар органларида раҳбар ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади. **ёзма шаклдаги илтимосномада** қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) илтимоснома берилаётган суднинг номи;
- 2) ички ишлар органининг номи ва жойлашган ери (почта манзили);
- 3) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- 4) илтимосномага асос бўлган ҳолатлар;
- 5) берилган илтимосноманинг асосларини тасдиқловчи далиллар;
- 6) муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимос, жойлаштириш муддатини кўрсатган ҳолда;
- 7) илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Бундан ташқари, илтимосномада ички ишлар органининг телефон, факс рақамлари, электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсни реабилитация марказига жойлаштириш тўғрисида ушбу моддада



назарда тутилган талабларни бузган ҳолда берилган илтимоснома ички ишлар органига қайтарилади.

Хуқуқшунос Д.И.Бабожоновнинг фикрича, реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларини қўллашда қуйидаги йўналишлардаги ишларни амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқ:

**биринчидан**, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари қўлланиладиган махсус муассасаларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш ва уларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларни замон талабларидан келиб чиқиб янгитдан ишлаб чиқиш;

**иккинчидан**, ҳокимликлар ҳузуридаги ижтимоий мослашув марказларини бугунги замон талабларига мослаштириш, фаолиятини белгилаб берувчи янги норматив ҳужжатни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

**учинчидан**, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирларига муҳтож бўлган шахсларга (ғайриижтимоий ҳулқ-атворли ва ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахслар, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганлар ва х.зо.) тааллуқли аниқ маълумотлар электрон базасини шакллантириш;

**тўртинчидан**, жамоат тузилмларининг ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини қўллашдаги аниқ вазифаларини белгилаб бериш ва уларнинг иштирокини таъминлаш;

**бешинчидан**, алоҳида тоифадаги ҳуқуқбузар шахслар (қўшмачилар, фоҳишахона сақловчилар, фоҳиша ва б.қ.) маънавиятини шакллантиришга ихтисослашган махсус реабилитация қилиш марказларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш[4] деб билганлар.

Назаримизда, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатилиши билан бирга, уларга жамиятда қабул қилинган ҳулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам амалга оширилиб, уларнинг бандлигини таъминлаш, уй жой билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилиш учун манфаатдор идора ва ташкилотлари, ҳудудий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ишлар олиб борилади[5].

Хулоса қилиб айтганда, Ф.Хидиров тўғри таъкидлаганидек, муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни марказга жойлаштириш ва улар бўйича ахборот алмашувини йўлга қўйиш ҳамда жойлаштирилган шахслар бошқа маълумотлар олишда алоҳида аҳамият касб этади[6]. ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари ўз зиммасига юкланган асосий вазифаларга мувофиқ маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари билан ҳамкорликда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмаётган ва реабилитация марказларига жойлаштирилган меҳнатга лаёқатли муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини амалга оширади[7].



## References:

1. Гадоймировов Б. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар билан ишлаш //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 14-18.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги 309-сонли “Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари тўғрисида” ги қарори.
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси . электрон манба: <https://lex.uz/docs/9766>. Мурожаат вақти: 0306.2023й.
4. Бабожонов Д.И. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чорларини қўллашнинг аҳамияти //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 3. – С. 73-78.
5. Гадоймировов Б. Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахслар билан ишлаш //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 14-18.
6. Хидиров Ф. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини тартибга солувчи норматив ҳужжатларнинг таҳлили //Eurasian Journal of Academic Research. – 2023. – Т. 3. – №. 1 Part 2. – С. 106-117.
7. Менглиев Ф. Анализ правовых основ деятельности органов государственной власти на местах в области Профилактики правонарушений //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 1/S. – С. 37-45.
8. Юлдашев Д.Х. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга доир айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 9-11.
9. Юлдашев Д. Туркия Республикасининг аёлларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш борасидаги илғор тажрибасига таҳлилий назар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 2. – С. 185-188.
10. Юлдашев Д. Ўзбекистон Республикасида Боланинг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш //Юрист ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 4. – С. 38-43. 28. Юлдашев Д. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида» ги қонуннинг ўзбекистон фуқаролигини олиш асослари ва шартларини белгиловчи айрим нормалари таҳлили //юрист ахборотномаси. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 26-31.
11. Юлдашев Д.Х. Теоретико-правовой анализ понятия паспортной системы //Евразийский Союз Ученых. – 2016. – №. 6-4 (27). – С. 30-32.
12. Юлдашев Д. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотишга доир ишларни юритиш бўйича ҳуқуқий амалиёт натижалари таҳлили //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 11/S. – С. 1-6.
13. Khayitovich Y.D., Khurozovich N. E., Mamatovich K. K. Legal basis of solution of issues related to the citizenship of the republic of uzbekistan and prospects of their development //International Journal of Early Childhood Special Education. – 2022. – Т. 14. – №. 6.



14. Юлдашев Д. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклашга доир муносабатларни тартибга солувчи миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш //Юрист ахборотномаси. – 2021. – Т. 2. – №. 3. – С. 8-13. 33.
15. Норбутаев Э.Х. Административно-процессуальные основы лицензирования оборота гражданского и служебного оружия в республике узбекистан //science and world. – 2013. – С. 29.
16. Нарбутаев Э., Еттибаев Г. Фаолиятни айрим турларини лицензиялаш ва рухсат бериш тартиботларини янада либераллаштиришнинг айрим масалалари //Общество и инновatsii. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 385-392. 35. Нарбутаев Э. Лицензиялашнинг маъмурий-ҳуқуқий табиати ҳамда ички ишлар органларининг рухсат бериш фаолияти //Общество и инновatsii. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 40-47. 84 36. Нарбутаев Э., Еттибаев Г. Некоторые вопросы дальнейшей либерализatsii лицензионно-разрешительных процедур для отдельных видов деятельности //Общество и инновatsii. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 385-392.
17. Норбутаев Э. Ички ишлар органларининг лицензиялаш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг айрим масалалари //Общество и инновatsii. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 69-77.
18. Норбутаев Э.Х. Ички ишлар органларининг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш фаолияти бўйича ваколатларини таҳлили //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – С. 56-60.
19. Таштемиров А.А., Калауов С. А. Йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг истиқболлари ва киберхавфсизлигини таъминлаш зарурати //barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 8. – С. 245-250.
20. Таштемиров А.А. Йулларда ҳаракатланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва бу борада технологиянинг ахамияти //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 111-115.
21. Таштемиров А.А. Ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарлик жиноятларига қарши курашишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари //O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 14. – С. 320-327.
22. Таштемиров А.А. и др. Ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларга қарши курашиш чора-тадбирлари //Models and methods for increasing the efficiency of innovative research. – 2023. – Т. 2. – №. 21. – С. 24-31. 43. Таштемиров А.А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.
23. Qushboqov, S., & Yetmishboyev, M. (2022). Jazoni ijro etish muassasalari ishtirokida tuziladigan fuqarolik-huquqiy shartnomalarning mohiyati va ahamiyati. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 2(9), 76-80.
24. Таштемиров А.А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.



25. Охунов З., Кушбоқов Ш. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
26. Qushboqov, S. (2023). Jazoni ijro etish muassasalarining yuridik shaxs sifatidagi tushunchasini yoritishda nazariy tahlil. *Центральноазиатский журнал образования и инноваций*, 2(2 Part 2), 49-52.
27. Кушбоқов, Ш. (2023). Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истиқболи. *Models and methods in modern science*, 2(5), 114-117.
28. Кушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
29. Нарбутаев Э. Административно-правовой характер лицензирования и лицензионная деятельность органов внутренних дел //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 40-47.